

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ЁШ ЎҚИТУВЧИЛАР ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК АҲАМИЯТИ

Тураева Дилафруз Рустамбоевна
Тошкент Кимё Халқаро Университети
Педагогика ва психология кафедраси доценти, PhD
dilafruz2501@inbox.ru
+99890 943 05 28
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14575319>

Аннотация

Ушбу мақола узлуксиз таълим ўқитувчиларининг шахсий хусусиятларининг ўқув фаолиятида намоён бўлиши экспериментал ўрганиш натижаларига бағишланган. Мақолада ёш ўқитувчилар, яъни 0-5 йиллик иш стажига эга бўлган педагоглар тадқиқот натижаларининг психологик таҳлили келтирилган.

Annotation

This article is devoted to the results of an experimental study of the manifestation of the personal characteristics of continuing education teachers in their educational activities. The article presents a psychological analysis of research results of young teachers, that is, pedagogues with 0-5 years of work experience.

Аннотация

Данная статья посвящена результатам экспериментального исследования проявления личностных особенностей педагогов непрерывного образования в их образовательной деятельности. В статье представлен психологический анализ результатов исследования молодых учителей, то есть педагогов со стажем работы 0-5 лет.

Калит сўзлар: ўқитувчи-талаба тизими, услуги, ўқитувчи фаолияти услуги, бошқарув услуги, бошқарув усули, шахс хусусиятлари.

Key words: teacher-student system, style, teacher activity style, management style, management method, personality characteristics.

Ключевые слова: система учитель-ученик, стиль, стиль деятельности учителя, стиль управления, метод управления, личностные характеристики.

КИРИШ

Жаҳонда ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлик фаолияти механизмларини такомиллаштириш, ўқитувчининг фаолияти услуги бўйича янгиликларни таълим тизимига татбиқ этиш, ҳамкорлик фаолиятининг самарадорлиги ва таълим сифатини оширишда ўқитувчи-ўқувчи муносабатлари тизимини ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш долзарблашиб бормоқда.

Ўқувчиларни ўқишга жалб қилиш, ривожланиши кўрсаткичлари кўп жиҳатдан ўқитувчининг фаолият услубига боғлиқдир. Бу борада таълим тизимини модернизация қилиш, ўқитувчи фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилаш, таълим сифатини оширишда ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлигининг ижтимоий-психологик асосларини такомиллаштириш муаммосини тадқиқ этиш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Мавзу долзарблиги. Республикамизда сўнги йилларда “Жамиятимизда боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, олийгоҳларнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий-иждоий зиёлиларни бугун биз интилаётган Учинчи Ренессанснинг тўрт таянч устуни”¹ ғоясига кўра, таълим ислохатлари, миллий кадриятларни сақлаб қолган ҳолди рақобатга чидамли, интилувчан, мотиватор ўқитувчи-мутахассисларни етиштириш бўйича стратегик вазифалар белгилаб берилиб, ҳуқуқий асослар яратилмоқда. Жумладан, 2023 йил 30 апрель куни Референдум орқали қабул қилинган янги Конституциянинг 52-моддасида “Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади. Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади” деб белгиланганлиги, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларини, ўқитувчининг фаолияти услубини, замонавий талаблар, демократик тамойиллар асосида қайта кўриб чиқиш шахслараро муносабатлар психологияси ва ҳамкорлик психологияси муаммоларини ўрганиш ва такомиллаштириш борасида илмий тадқиқот ишларини чуқурлаштиришга қаратилган янгича назарий ечимларни топиш учун мустаҳкам асос бўла олади.

МАВЗУ БЎЙИЧА ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Психология фани соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш ва қайд

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2021йил 29 сентябр <https://president.uz/uz/lists/view/4660>

этилган натижалар асосида илмий–амалий хулосалар чиқаришда муайян методологияга таяниш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Тадқиқотимизнинг назарий ва методологик асослари сифатида психология фанининг таълим-тарбия жараёнида шахсга йўналганлик тўғрисидаги концепциялар; Л.С. Выготский (1982), А.Н. Леонтьев (1984), Б.Г. Ананьев (1977), Л.И. Божович (1986), А.В. Петровский (1989), И.В. Дубровина, Д.И. Фельдштейннинг ўқувчи шахсининг мулоқот жараёнида шаклланиши тўғрисидаги назарияси; ўқитиш жараёнини инсонлаштириш концепцияси (К.Роджерс (1961-1965); тизимлилик тамойили (Б.Ф. Ломов), шахслараро муносабатлар назарияси (В.В.Никандров (2008), В.А.Ганзен (1984) психология фанининг онг ва фаолият бирлиги, детерминизм, тараққиёт тамойиллари ва ўзбек психология мактаби вакиллариининг ўқиш ва ўқитиш жараёнига бағишланган изланишлари асос сифатида хизмат қилди.

Ўқитувчи фаолияти муаммосининг ижтимоий-психологик ва педагогик моҳиятини жаҳоннинг етакчи психологларида К. Левин, Р. Липпит ва Р. Уайт (1939), Н.Ф. Маслова (1973), Я. Стреляу (1974), А.Л. Журавлёв ва В.Ф. Рубахин (1976), Р.Х. Шакуров (1982), Г.А. Андреева (1987), А.А. Андреев (1984), С.И. Кондратьева (1984), А.И. Щербаков ва А.В. Мудрик (1979), Г.Н. Мальковская (2005) ўз тадқиқотларида бошқарув услубини; В.А. Кан-Калик (1990), Н.А. Березовин (1992), А.А.Реан ва Я.Э. Коломинский (1999), муносабат услубини; А.А. Коротаев ва Т.С. Томбовцева (1990), А.А. Бодалев (1983), Ю.Н. Азаров (2004), В.С. Мерлин (2006) педагогик мулоқот услубини, шунингдек, тарбиячининг ўзини тутиш услубини; И. Кхол, А.А. Карпенко (1985), Е.П. Ильин (2004) дарс бариш услубини; Л.Д. Столяренко (2006), Н.В. Кузмина, Л.И.Митина (2005) шахсий педагогик фаолият, педагогик мулоқот ва ўқитувчи шахсини; А.К.Маркова ва А.Я.Никонова (1987) ўқитувчи фаолияти индивидуал услубини; Д.Б. Эльконин (1974), Л.С. Выготский (1982) таълим жараёни, унинг психологик компонентлари, психологик хусусиятлари каби жиҳатларини тадқиқ қилганлар.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда ҳам бу йўналишда кўплаб тадқиқотлар

амалга оширилган бўлиб, унга олимлардан М.Г. Давлетшин (1999), Э.Ғ. Ғозиев (1997, 2002), Р.З. Гайнутдинов (1995), В.М. Каримова (1998), З.Т. Нишонова (2002), А.Ғ. Рахмонов (2001), Э.З. Усмонова (2000), Ш.А. Эшметов (2005), А. Жабборов (1999), Т.М. Адизова (1986), Расулов А.И. (2001) ва уларнинг шогирдлари педагог кадрлар тайёрлаш муаммосига етарли даражада эътибор қаратганлар. Уларнинг изланишларида ўқитувчи кадрларини тайёрлаш², ўқитувчининг шахсий хусусиятлари, қобилияти³, ўқитувчи ва талаба биргаликдаги ҳамкор фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва динамикаси⁴, таълим жараёнида ўқитувчининг ўқувчиларни ташхис қилиш қобилияти⁵ устоз-шогирд муносабатлари⁶ ва бошқа жиҳатлар ўрганилган.

Тадқиқотнинг мақсади таълим сифатини оширишда ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлигининг ижтимоий-психологик асослари аниқлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объекти “ўқитувчи-ўқувчи” ҳамкорлиги тизимида ўқитувчи фаолиятининг мотивация берувчи услубининг ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлаш жараёни бўлиб, Тошкент шаҳар, Жиззах, Сирдарё Харазм вилояти мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари ташкил этади.

Эмпирик ўрганиш натижалари. Тадқиқот мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, Р. Кеттел тести [3] ёрдамида ўқитувчи шахси ижтимоий хусусиятларини ўргандик. Тест турли йиллик иш тажрибасига эга бўлган ўқитувчиларда ўтказилди ва натижалар 0-5 йилгача, 6-11 йилгача, 11-15 йил ва ундан юқори иш тажрибасига эга бўлган эркак ва аёл ўқитувчиларда алоҳида ҳисоблаб чиқилди.

² Гайнутдинов Р.З. Ўқитувчига тарбия психологияси ҳақида . – Т.: 1995.-20 б.

³ Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси.- Тошкент: Ўзбекистон, 1999. -30 б.

⁴ Каримова В. Психология. Ўқув қўлланма. - Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. “ЎАЖБНТ» маркази, 2002.-205 б

⁵ Расулов А.И. Ўқитувчи шахсининг тарбиячи сифатида ўқувчилар билан ўзаро муносабат даражалари. Психол. фанл. номзод.... дис. – Тошкент, 2001.- 177 б.

⁶ Эшметов Ш.А. Устоз-шогирд муносабатларининг ижтимоий-психологик феноменлари. Психол. фан номзод... дис., Тошкент: М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий ун-ти. 2005. -147 б.

А ёпиқ (одамовилик)-мулоқотчанлик фактори бўйича, 0-5 йиллик иш стажига эга ўқитувчилар гуруҳида, I фактори (шафқатсизлик-юмшоқ кўнгиллилик) ижобий (0, 430*) корреляцион боғланиши, Q₁ фактори (ригидлик-ўзгарувчанлик) билан салбий (-0, 449*) боғланиши аниқланди. Бундай ўзаро корреляцион боғланишлар, 0-5 йил иш стажига эга ўқитувчиларда мулоқотчанлик даражаси қанчалик юқори бўлса, улар юмшоқ феълли, орзу-ҳавасли, нозик дидли, оламни бадий қабул қилиши, ва бой тасаввурли, анъанавий қоидаларни хуш кўрадиган бўлишини ифодалайди.

В фактори (интеллект) бўйича қиёсий таҳлил 0-5 йил иш стажига эга ўқитувчиларда С фактори (ҳиссий турғунлик-ҳиссий беқарорлик) салбий, Е факторлари (итоаткорлик-мустақиллик) билан ижобий корреляцион боғланиши ўқитувчиларининг интеллектуал даражаси, мантикий ва мавҳум фикрлаш қобилияти юқори даражада ривожланган бўлса, 0-5 йилгача иш стажига эга ўқитувчилар жиззаки, ҳиссиётларини бошқариши қийин, масъулиятни яхши ҳис этмайдиган (С, -0,696**), шунингдек, мустақил, устунликка интилувчан, ижтимоий шартларни ва авторитетларни тан олмасликка мойил (Е, 0,586**) бўладилар.

С фактори (ҳиссий турғунлик-ҳиссий беқарорлик) бўйича, 0-5 йиллик иш стажига эга ўқитувчиларда L фактори (ишонувчанлик-шубҳаланувчанлик) билан салбий корреляцион боғланиши аниқланди. 0-5 йиллик иш стажига эга ўқитувчилар ўзига ишонганлик даражаси қанчалик юқори бўлса, улар эҳтиёткор, шубҳаланувчан (0, 416*) ҳам бўладилар.

Е факторининг (итоаткорлик-мустақиллик) 0-5 йилгача иш стажига эга ўқитувчиларда боғланишлари аниқланмади.

F фактори (мулоҳазали – таъсирчан) бўйича, 0-5 йиллик иш стажига эга ўқитувчиларда G фактори (ҳис-туйғуларга берилувчанлик-юқори норматив ҳулқ), M фактори (ишбилармонлик-ривожланган хаёлпарастлик) билан ижобий ва Q₂ фактори (конформлилик-мустақиллик) билан салбий корреляцион боғланиши маълум бўлди. Бу боғланишларга таяниб, 0-5 йил иш стажига эга ўқитувчиларда дадиллик, фаоллик, мулоҳазали фаолият юритиш

қанчалик юқори бўлса, уларда масъулият, тартиб, одамларга эътиборли бўлиш, ўзини-ўзи яхши идора қила олиш (0,536**), ўзига хос дунёқараш, ижодий тасаввур, орзу-хавас, такрорланмас хатти-ҳаракатлар (0,444*), кўпинча гуруҳ билан маслаҳатлашиб, кўпчилик фикрига қараб иш кўриш (-0,453*) хусусиятлари ҳам шунчалик юқори намоён бўлади.

G фактори (ҳис-туйғуларга берилувчанлик-юқори норматив ҳуққ) бўйича қиёсий таҳлил қуйидаги корреляцион боғланишларни намоён қилди: 0-5 йил иш стажига эга ўқитувчиларда бу факторнинг L фактори (ишонувчанлик-шубҳаланувчанлик) билан салбий боғланиш юзага келди. Мазкур боғланишларга асосланиб, 0-5 йиллик иш стажига эга ўқитувчиларда тартиблилик, одамларга эътиборлилик, белгиланган талабларни расмийлик бўлса ҳам бажаришга мойиллик қанчалик юқори бўлса, уларда барча одамларни меҳрибон ва яхши деб ҳисоблаш, ўзи ҳақида яхши таниш бўлмаган одамларга ҳам ишониш, осонлик билан уларга ўз кўнглидаги сирларини, қимматли нарсаларни айтиш, ўзини реал баҳолаш (-0,470*) хусусиятлари ҳам шунчалик намоён бўлади дейиш мумкин.

I фактори (шафқатсизлик-юмшоқ кўнгиллилик) бўйича, 0-5 йиллик иш стажига эга ўқитувчиларда M фактори (ишбилармонлик-ривожланган ҳаёлпарастлик), N фактори (табиий оддийлик-дипломатлик) билан ва Q₃ фактори (импульсивлик-истакларни назорат қилишга мойиллик) билан ижобий корреляцион боғланиш аниқланди. 0-5 йил иш стажига эга ўқитувчиларда оламни бадий қабул қилиш, бой тасаввурга эга бўлиш хусусиятлари қанчалик юқори бўлса, уларнинг ҳаёлот олами бой, ўзига хос дунёқарашга эга, ижодий тасаввури ривожланган (M, 0,423*), режали иш юритиш, принципиаллик, ҳиссий шиддатларга берилмаслик (N, 0, 550*), ўз ҳаракатларини ва ҳиссиётларини яхши ташкил қилиш хусусиятлари ҳам шунчалик намоён бўлади (Q₃, 0,479*). 6-10 йил иш стажига эга ўқитувчиларда қанчалик фактор хусусиятлари юқори бўлса, шунчалик соғлом фикрловчи, вазмин, одамларни ва вазиятни ақл-идрок билан баҳолаб, объектив реаллик

талаблари ва умумий қабул қилган юриш-туриш қоида-ларга бўйсуниб, виждонлилик ($M, -0,690^{**}$) уларга хос бўлади.

N фактори (журъатсиз-ботирлик), L (ишонувчанлик-шубҳаланувчанлик) фактори бўйича, M (ишбилармонлик-ривожланган хаёлпарастлик) фактори бўйича қиёсий таҳлилда 0-5 йилгача иш стажига эга ўқитувчиларда корреляцион боғланишлар аниқланмади.

N (табiiй оддийлик-дипломатлик) фактори, бўйича қиёсий таҳлилда 0-5 йиллик иш стажига эга бўлган ўқитувчиларда O (ўзига ишонувчан-айбдорлик ҳиссига мойиллик) фактори билан салбий, Q_1 (ригидлик-ўзгарувчанлик) фактори билан ижобий корреляцион боғланиши аниқланди.

Боғланишларга таяниб, 0-5 йил иш стажига эга ўқитувчилар ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин: уларда режалилик, принципиаллик, ҳиссий шиддатларга берилмаслик, ўзларини хушмуомала, мулойим тутиш хусусиятлари қанчалик юқори бўлса, улар қувноқ, хушчақчақ, ҳаётдан мамнун, ўз имкониятларига ва омадига ишонадиган ($O, -0,622^{**}$), шунинг-дек, турли хил интеллектуал қизиқишларга эга, илмий ва сиёсий муаммолар юзасидан ахборотларни олишга, ҳар соҳа бўйича янгиликларни билишга интилувчан ($Q_1, 0,618^{**}$) бўладилар.

O (ўзига ишонувчан- айбдорлик ҳиссига мойиллик) фактори бўйича, 0-5 йил иш стажига эга ўқитувчиларда Q_1 (ригидлик-ўзгарувчанлик), Q_2 (конформлилик-мустақиллик) факторлари билан боғланишлар аниқланди ва мазкур боғланишга таяниб, 0-5 йил иш стажига эга ўқитувчиларда нимадандир қайғуриб, тушқунликка тушиб, хавотирда юриш, ўз кучига ишонмаслик, камтарлик қанча юқори бўлса, уларга гуруҳ меъёр, қоидаларига бўйсунувчанлик ($Q_1, -0,622^{**}$), кўпинча гуруҳнинг фикрига қараб иш кўриш, атрофдагиларнинг маслаҳатига, суяниш, ҳайрихоҳлигига муҳтож бўлиш хусусиятлари хос ($Q_2-0,479^{*}$) дейиш мумкин.

Фикримизча, таълим тизимида самарадорлик аввало ўқитувчи шахси индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ. Чунки, ўқувчида таълим олиш жараёнига мос бўлган шахс хусусиятларини (яъни диққатлилиқ, зеҳнлилиқ,

қизиқувчанлик, мустақил фикрлилик, интизомлилик кабилар) дастлабки таълим-тарбия ўчоқлари (мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари)да шакллантириб, мустахкамлаб бориш даркор. Бунда албатта, ўқитувчи-мураббийларнинг шахси индивидуал хусусиятлари касбий салоҳияти, бурчига содиқлигининг ўрни бекиёсдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бодалев А.А., Ковалев Г.А. Психологические трудности общения и их преодоление //Педагогика. 1992. -№ 5,6.
2. Ғозиев Э.Ғ., Мамедов К.Қ. Касб психологияси. – Тошкент -2003. 154-бет.
3. Кан-Калик В.А. Учителю о педагогическом общении: Кн. для учителя / В.А. Кан-Калик. – М.: Просвещение, 1987. - 190 с.
4. Кан-Калик В.А., Никандров Н.Д. Педагогическое творчество. — М.: Педагогика, 1990. -139 с.
5. Каптерев П.Ф. Дидактические очерки. Назария образования. //Избр.пед соч.- М.: Педагогика, 1982. - 472с.
6. Гайнутдинов Р.З. Ўқитувчига тарбия психологияси ҳақида . – Т.: 1995.- 20 б.
7. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси.- Тошкент: Ўзбекистон, 1999. -30 б.
8. Каримова В. Психология. Ўқув қўлланма. - Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. “ЎАЖБНТ» маркази, 2002.-205 б
9. Расулов А.И. Ўқитувчи шахсининг тарбиячи сифатида ўқувчилар билан ўзаро муносабат даражалари. Психол. фанл. номзод.... дис. – Тошкент, 2001.- 177 б.
10. Эшметов Ш.А. Устоз-шогирд муносабатларининг ижтимоий-психологик феноменлари. Психол. фан номз... дис., Тошкент: М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий ун-ти. 2005. -147 б.